

Глобаллашув даврида хотин қизларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишдаги муаммолар

**Тошкент Ирригация ва Қишлоқ Хўжалиги Механизациялаш
Муҳандислари Институтини**

Кодирова Раъно Тухтаевна- катта ўқитувчи

Глобаллашув даври дунё аёлларини интеллектуал салоҳиятини оширишда турлича муаммоларни келтириб чиқарди. Европада бу муаммони ечими анча осонроқ кечган бўлса, шарқда бу муаммонинг кўлами катталашиб кетди. Аксарият қишлоқ жойларда хотин- қизлар ўз салоҳиятини намоён этишга турли қаршилиқлар бўлган. Зотан улар фақат оила бекаси: эрга моддий ва маънавий қарам ҳолда яшашган. Эрининг фикридан бошқача фикр айтиши мумкин бўлмаган, аёлнинг фикри гарчанд тўғри фикр бўлсада инobatга олинмаган.

Инсоният тарихида аёлларни ардоқлаган, уларнинг нафақат оилада, айна чоғда жамиятдаги ўрни ва нуфузини кўтарган даврлар ва давлатлар ҳам кам эмас.

Ўша замонлар, шубҳасиз, инсониятнинг олтин даври сифатида тарихдан мустаҳкам жой олган.

“Саодат асри” номи билан тарихга кирган ислом жамиятининг бошланғич даврида хотин- қизлар мақоми шу қадар юксалдики, уни ёритган муаррихлар тилларидан бол томиб гапирдилар. Ўзингизга маълум, ислом дини тарқалишидан олдин араб заминида аёлларга нисбатан шу қадар аёвсиз қоидаю ақидалар бор эдики, ҳатто уларнинг оддий бир инсон сифатида ўрни йўқ эди. Ислам дини келиб, нафақат бундай ёнддашувларга чек қўйилди, балки аёл зотининг оила ва жамиятдаги мақоми аниқ- тиниқ белгилаб берилди. “Жаннат оналар оёғи остида”, деган ҳадиси шариф бунинг яққол исботидир. Бугунги кунда жамиятимизнинг кўрки, оиламизнинг беазаги фаол опа – сингилларимизнинг ҳақ- ҳуқуқларини таъминлаш, фаровон ҳаёт кечириши учун янги Ўзбекистон сиёсатида ишлар аниқ мақсад ва ҳаракатлар уйғунлиги билан эътиборлидир. Бу борада давлатимиз раҳбарининг шахси ташаббуслари мамнуният билан эътироф этамиз.

Замонлар ўзгармоқда. Сиёсий ва ижтимоий дунёқарашлар янгиланди.

Мустақил Ўзбекистонда хотин- қизларга кенг имкониятлар яратилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда хотин- қизлар орасида Ўзбекистон Қаҳрамонлари, академиклар, Халқ артистлари, Халқ шоирлари, Олимпияда ва жаҳон чемпионлари, турли соҳа вакилларига Давлат мукофотлари, соҳаларига қараб

хизмат кўрсатганлиги учун Давлат мукофотлари, бешта йўналиш бўйича Зулфия номидага Давлат мукофоти мавжуд. Ҳар йили хотин- қизларимиз турли орден ва медаллар билан тақдирланмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий – маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб – қувватлаш ҳамда оила ва хотин – қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора – тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мамлалакатимиз аёлларининг олий таълим даргоҳларида ўқиши, илмий салоҳиятини ошириш, саломатлигини тиклаш, иш билан таъминлаш, уй- жойли қилиш, ўз- ўзини банд қилиш, субсидия ажратиш, касбга қайта тайёрлиш, хунарга йўналтириш, ҳаётнинг оғир синовларига учраган мушфиқ аёлларга ёрдам моддий кўрсатиши билан ўз вақтида чиққан фармон бўлди.

Ўзбекистон тарихида биринчи бор АЁЛ киши Олий Мажлис Сенати раислигига сайланиши, Олий Мажлис депутатларининг 30 фоизи аёллар экани, туман ва шаҳар ҳокимлари орасида аёл ҳокимларнинг борлиги, Ўзбекистонда аёлларнинг қобилияти ва салоҳияти кадрланаётганидан далолатдир.

Ўзбекистон президенти 2020 -2021 ўқув йилларида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 987 нафарига Олий таълимнинг университет ва институтларига Давлат гранти асосида КВОТА билан киришларига ғамхўрлик қилдилар. Бу билан контракт асосида ўқишга қийналиб, ўқишга кирган бўлсада уни давом эттира олмаётган қизларга давлат кўмаги берилди. Юртбошимиз бу ғамхўрлик ўзини оқласа кейинги ўқув йилида ижтимоий ёрдамга муҳтож, ўқишга интилган қизлар учун КВОТАни икки баробар оширишини таъкидладилар.

Хотин – қизларга Давлат томонидан кўрсатилаётган ишонч ва ижтимоий ёрдамларга қарамай айрим оилаларда хотин- қизларнинг салоҳияти, иқтидорини намойиш этишларида ички тўсиқлар ва низолар мавжуд. Бу нималарда кўринади?

Кузатувларимиз ва ижтимоий сўровларимиз шуни кўрсатдики, агар оилада бир йилнинг ичида ҳам ўғил, ҳам қиз ўқишга контракт асосида кирган бўлсаю оила даромади уларнинг иккаласини ҳам ўқитишни кўтара олмаса, ўқишни давом эттириш шубҳасиз ўғил болага насиб этади. Гарча қиз фарзанд, ўғил фарзанддан иқтидори бўйича устун бўлсада у ўқишни давом эттиришга лойиқ эмас деб топилади. Айрим оилалар қизлари олдига “Фақат гранд асосида ўқишга кирсангина олий ўқув юртида ўқишинг мумкин”- дия бошдан шарт қўядилар.

Айрим ҳолларда ўзбек қизлари олдига қўйилаётган мана шундай шартлар ҳам провард натижада уларнинг ўқишга қаттиқ “ёпишиш” ларини таъминлаб,

келажакда ҳақиқий мутахасислар етишиб чиқишига сабаб бўлади. Аммо, инсон психологияси ҳар хилдир. Кўпинча ҳаёт остонасига қадам қўяётган ёш қизлар бундай ҳолатни “Тақдирнинг биринчи зарбаси”, “Оиладаги иккинчи даражали одамман”, “Қиз бола бўлганимим менинг омадсизлигим”-дия тушқинликга тушишади. Ҳаёт - деганда кўз ўнгига улкан муаммолар саҳроси кўринади.

У ўзидаги ғолиб инсонни йўқотади. Афсуски қиз боланинг атрофидагилар унинг руҳий ҳолатини тушинсаларда ёрдам бераолмайди.

Оддий бир мисол: хотин- қизлар футбол командасини тузиш ва уни фаолиятини изга солишдаги муаммолардан бири ҳам айнан қиз болани (гарчи у ғоятда иқтидорли футболчи бўлсада) эртага совчилари келмай қўяди- дия, футболни давом эттиришига оилавий бўлиб қарши чиқишлар ҳар бир вилоятда бор ва бу хотин- қизлар футболни ривожланиши, қизларимиз салоҳиятини намоён этишга жиддий тўсиқ бўлаётган муаммолардан биридир. Бундай муаммолар спортнинг бошқа турларида ҳам топилади.

Аёлни ўзини баҳорга, феъл - атворидаги ўзгаришларни баҳор ҳавосига ўхшатишади.

Аслан ҳам шундай, баҳор яшилланиш ва яратилиш, янгиланиш, кўкаламлашиш, гўзаллашиш, уйғониш фасли.

Аёл ҳам бедорлик, яратувчанлик, улғайтирувчи, оқ сут бериб ҳаёт бахш этувчи табаррук зотдир. Айниқса, фарзандни – янги бир одамни, янги бир оламни дунёга келтириш оғир жараён. Бу – илоҳий жараён. Аёлни фарзанд кўришдаги тўлғоқ ҳолатини “Икки дунё оралиғига бориб- келиш” деб тасвирлайдилар. Ҳомиладорликдан то фарзандни дунёга келтиришгача бўлган ораликда аёлдаги руҳий ва жисмоний ўзгаришларни ҳатто унинг ўзи ҳам билмайди. Ўта нозик жараён. Бутун жисми –жонидаги эврилишлар вақтидир – бу.

Ишлаётган аёл: ўқитувчим, врачми, хунармандми, тадбиркорми, олимми, санъаткорми, фермерми, фаррошми ишлайверади. Атрофдаги ҳамкасблари у билан худди илгаригидек муомила қилишда давом этади. Аёл куни бўйи худди аввалгидек ишчан ҳолатда бўлишга ҳаракагист қилади 80 фоизда буни уддасидан чиқади. Аммо, ишдан сўнг у ҳам озроқ ҳордиқ олгиси, кўшимча адабиётлар ўқигиси, ўз устида мустақил ишлагиси келади. Аммо, рўзгорнинг кўзга кўринмас ташвишлари ундан 100 фоиз фидойиликни талаб этади. Бундай руҳий зўриқишлар ҳам аёлнинг соғлиғига таъсир кўрсатмай қолмайди. Бундай ҳолларда аёллар ўз иқтидорларни бой берганлигини кўрганмиз. Узоқ йиллар умрини бахш этган илмий ишларини юзага чиқиши кечикаётгани ёки бутунлай тўхтаб қолганини кўришнинг ўз ҳам оғир руҳи кечинмага олиб келади.

Жуда камчилик ҳолатлардагина илм қилаётган, янги лойиҳалар устида ишлаётган, бадий асарлар ёзаётган аёлни қўллаб – қувватлаётган оилаларни кўриш мумкин.

Ҳомиладорликнинг бошланишидаги(1 ойликдан 7 ойликка қадар,яъни, 7 ойлик бўлиб ҳомиладорлик таътилига чиққунча) нозик даврда бузилаётган гендер тенгликни мана шундай жиҳатларида аёлларнинг иқтидорини сусайишига олиб келади. Глобаллашув даврида хотин- кизларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишда муаммоларнинг ечимини топишда психологлар ёрдами жуда зарур бўлади.

Тўсиқни енгишда ёрдам беришимиз уни ғалабага ишонтириш, руҳан қўллаб-қувватлашимиз зарур – деб, ўйлайман.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги тўғрисида”. 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ижтимоий – маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин- кизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора- тадбирлари тўғрисидаги Фармони.
3. М.Саломова. “Юксалиш мезони”. “Kamalak” нашриёти. 2018 йил.
4. Н.Жалил. “Кўнгилдан кўчирмалар”. “ТАФФАКУР” нашриёти. 2020 йил.
5. А.Назар. “Холислик эҳтиёжи”. “Muharir” нашриёти. 2013 йил.
6. З. Мўминова. “Буюк уйғониш”. “Mashur press”нашриёти. 2018 йил.
7. З. Мўминова. “Ишонч айтики...”. Академнашр. 2019 йил.
8. З.К.Исмаилова. “Аёлларни фуқаровий ва ҳуқуқий ўқитиш дастури”. Педагогика Тошкент, Молия- 2008 й.
9. Д. Мамаражабов ва бошқалар...“. “Бунёдкорлик симфонияси”. “Mashur press” нашриёти. 2020 йил.

Исм:	Раъно
Фамилия:	Кодирова Р. Т.
Илмий даража:	-
Лавозим:	Катта ўқитувчи
Ташкилот:	ТИҚХММИ
Манзил:	Қ.Ниёзий-39

Шаҳар:	Тошкент
Почта коди (хорижий иштирокчилар учун):	
Мамлакат:	Ўзбекистон
Телефон:	+998903484749
Факс:	-
Электрон почта:	
Илмий мақола номи:	Глобаллашув даврида хотин қизларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишдаги муаммолар
Ҳаммуаллифлар (Агар бўлса):	-